

МАҲАЛЛА ЁШЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ИЖТИМОИЙ ПЕДАГОГИКАДА ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Расулов Жамшидбек Маҳаммадимин ўғли
Андижон вилояти Хўжаобод тумани
40-сонли айрим фанларни чуқурлаштириб
ўқитишига ихтисослаштирилган
мактаб-интернати директори**

Ватанимиз тараққиётининг бугунги даврида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессансни барпо этиш ташабbusлари жамиятда юз бераётган ижтимоий, маданий ва маънавий-маърифий жараёнларнинг концептуал ғоявий асосларини ташкил этмоқда. “Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас” [1], дея таъкидлаган эди давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев.

Мазкур жараёнларда халқимизнинг кўп асрлик тарихи, маданияти ва ўзига хос турмуш тарзининг ажralmas таркибий қисми бўлган маҳалла институти “давлатнинг замини” (Шавкат Мирзиёев) сифатида янги ривожланиш босқичи сари юз тутди.

Маҳалланинг институтционал, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларнинг такомиллаштирилиши, унинг ёшлар тарбияси ва камолотидаги ўрни ва нуфузининг ҳам янгидан белгиланиши, ваколат ва вазифаларининг кенгайиши, янги имкониятлар ва шароитларга эга бўлиши бўлиши учун замин яратди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-92-сон қарори [2] билан юртимиздаги ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиб, “ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, иқтидори, истеъдоди ва ташабbusларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш” ва “ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш” улар фаолиятидаги асосий вазифалар сирасига киритилди.

Маълумки, маҳалла институти бугунги ёшлар ижтимоий-иктисодий, маънавий-маданий ҳаётининг таянч институтларидан бирига айланди. Давлатимиз томонидан ҳар бир маҳаллага ёшлар етакчилари штатлари берилиб, уларнинг маънавий-ахлоқий, ташкилий ва маданий-маърифий фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асослари яратилганлиги ҳамда ваколат ва вазифаларининг кенгайиб бораётганлиги эса ижтимоий педагогика учун бир қатор долзарб тадқиқот мавзулари ва йўналишларини белгилаб берди, десак

тұғри бўлади.

Ёшлар етакчиларининг маҳалладаги ёшлар билан олиб бориладиган фаолиятини ижтимоий педагогик жиҳатдан тадқиқ қилиш зарурати қўйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, ёшлар етакчиларининг маҳаллада ёшлар, хусусан, уюшмаган ёшлар қатлами билан олиб борадиган функционал фаолияти амалий фаолият сифатида инсоннинг ижтимоий фаоллигини сақлаш, тиклаш ва ривожлантириш учун шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни уйғунлаштириш бўлган ижтимоий педагогиканинг тадқиқот мақсадлари ва муаммолари билан узвий боғлиқдир ва бу масала бугунга қадар яхлит муаммо сифатида ижтимоий педагогикада ўрганилган эмас;

Иккинчидан, ёшлар етакчилари фаолиятининг янада амалий самарадорлигига эришиш унинг назарий жиҳатларини атрофлича тадқиқ қилган ҳолда илмий асослаш ва ривожлантиришни талаб этади, бу ўринда бошқа фан соҳалари билан бир қаторда ижтимоий педагогик ёндашув ва тадқиқотлар мухим аҳамият касб этади;

Учинчидан, ёшлар етакчилари фаолиятининг асосий йўналишлари ижтимоий педагогика билан узвий боғлиқ бўлиб, бу борадаги тадқиқотлар ва уларнинг натижалари асосида берилган ғоя ва таклифлар амалий фаолиятни янада ривожлантириш учун янги туркумдаги методик қўлланмалар ва тавсияларни ишлаб чиқиш имконини беради;

Тўртинчидан, ижтимоий педагогик тадқиқотлар ёшлар етакчиларининг маънавий-ахлоқий тарбия ва маданий-маърифий фаолиятида халқимизга хос бой тажрибани янги инновацион ёндашувлар ва ғоялар билан уйғунлаштириш ва бир қанча фаолият йўналишлари бўйича янги ва самарали педагогик моделларни ишлаб чиқишига замин яратади;

Бешинчидан, мазкур йўналишдаги тадқиқотлар ёшлар етакчилари таркибини сифат жиҳатдан яхшилаш, уларни малакасини ошириш, интеллектуал, ташкилотчилик ва етакчилик салоҳиятларини янада такомиллаштиришда ҳам мухим аҳамият касб этади.

Маҳаллада ёшлар билан ишлаш алоҳида фаолият тури бўлиб, унинг мақсади ёш авлоднинг шахсий қизиқишилари ва эҳтиёжларини қондириш, фаол фаолият кўрсатиш қобилиятини тиклаш ёки яхшилаш учун қулай шартшароитларни яратишидир [3;201].

Умуман олганда, ёшлар етакчилари фаолиятининг маҳаллаларда тўғри ташкил этилиши, уларни ёшлар билан ишлашнинг замонавий методлари билан қуроллантириш, мунтазам малакасини ва тажрибасини ошириб бориш, маҳалла ёшларининг фаол дунёқараши, эркин тафаккури, жамиятдаги воқеа ҳодисаларга нисбатан тўғри позициясини шакллантириш, шу билан биргаликда, ёшлар ўртасида соғлом ижтимоий-маънавий мухит барқарорлигини таъминлашга замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёев: “Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойdevор қўйилмоқда”. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойdevор яратилаётгани ҳақида гапирди. www.kun.uz 31.08.2020 (29.11.2021 йил)

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида». ПҚ-92. 19.01.2022 й. www.lex.uz

3. Х. Ибрагимов, Ш. Абдуллаева. Педагогика назарияси (дарслик). - Тошкент: «Фан ва технология», 2008, - Б. 201.